

Ўсмирлик даврлари ва гўзал ахлоқлари



10:58 / 05.12.2017 4045

162

Абу Толиб Маккага, жуда шошиб қайтарди,
Набирага бир сўзни, қайта - қайта айтарди,
Посбонингман санинг деб, кўнглин хушнуд этарди,
Боболари бир сабаб, асли посбон бу АЛЛОҲ.

163

Ўсмирлик гулешлари, ажиб давом этарди,
Гоҳи шодлик гоҳи ғам, навбат биланетарди,

Болалардек бул Зот ҳам, ўйнаб кулса нетарди,
Беҳуда вақтлар учун, фурсат бермасди АЛЛОҲ.

164

Гуноҳсиз ёш болаку, ўйин кулгу қилмаслар,
Ҳаёт мунча бешафқат, дейди сирни билмаслар,
Ахир Бўлса Пайғамбар (С.А.В), нега роҳат кўрмаслар,
Дунёнисизга фитна, қилдим деганди АЛЛОҲ.

165

Гўдакликдан шу ёшда, қанча азоб уқубат,
Чиниқдилар ҳаётга, охир топди оқибат,
Энди парво қилмаслар, келса қандай мусибат,
Кўп сабрга ўргатган, Буюк Мураббий АЛЛОҲ.

166

Уруш бўлди бир куни, Қуройш -Қайс орасида,
Қатнашдилар Улуғ Зот, бўлса ҳам норасида,
Аслибу бир синоат, шижоат борасида,
Ботир юрак султонни, тарбия қилар АЛЛОҲ.

167

Яшардилар кўп хайрон , ажиб замонни кўриб,
Ибрат олар ҳар сафар, яхши ёмонни кўриб,
Жиркандилар бу элда, ҳалол харомни кўриб,
Кўриб фаҳм қилгин деб, кўрсатар эди АЛЛОҲ.

Жомеъ масжиди, имом ноиби

Ҳалилов Умиджон Абдуҳаким хожи ўғли